

**Жиноят кодексининг 76-моддаси талаби бузилиши суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2006 йил 13 мартдаги ҳукмига асосан Д. ЖК 169-моддаси 2-қисмининг «б,г» бандлари билан, ЖК 57-моддаси қўлланилиб, 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 23 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д. 2003 йил 3 июлдан 4 июлга ўтар кечаси Наманган шаҳар Амир Темур хиёбонидаги Э.Каримовга тегишли хусусий музқаймоқ дўконига дераза орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўкондан умумий нархи 80.000 сўмлик икки дона стол ва олти дона стулларни, 300.000 сўмлик бир дона музлатгич ва унинг ичида бўлган 37.000 сўмлик музқаймоқ, 70.000 сўмлик бир дона аудио-дискли магнитофон, 12 блок 32.000 сўмлик сигаретларни, жами 519.000 сўмлик мулкларни яширин равишда ўғрилаганликда айбли деб топилган.

Иш материалларига қараганда, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 11 апрелдаги ажрими билан Д.га нисбатан жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2006 йил 13 мартдаги ҳукми ўзгартирилиб, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди раёсатининг 2006 йил 27 апрелдаги қарори билан апелляция инстанциясининг 2006 йил 11 апрелдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

ЖПК 76-моддасининг 7-қисмида, жиноят ишини назорат тартибида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмаслиги белгиланган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди қонуннинг ушбу талабларига риоя қилмаган. Жиноят иши жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди раёсатида 2006 йил 27 апрелда кўрилишида иштирок этган судьялар Я. ва К. ишни 2006 йил 23 май куни вилоят суди апелляция инстанциясида кўришда иштирок этганлар.

Бундай ҳолда, апелляция инстанциясининг 2006 йил 23 майдаги ажримини қонуний деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 31 июлдаги ажрими билан Д.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 23 майдаги ажрими бекор қилинди.

Жиноят иши янгитдан апелляция инстанция судида кўриш учун жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига юборилди.

***ЖСҲ-232-07 сонли ажрим***

